

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 61 (6803)
1997 йил, 9 август, шанба

Сотувда эркин
нархда

**Болалар, Ватани ким қандай яхши кўради?
Ватан мавзусидаги ишоларингиз учун газетамиз
саҳифасидан жой ажратдик. Ижодингизни, иқти-
дорингизни синаб кўринг**

Мен қишлоқда яшайман. Қишлоғимизнинг номи ҳам ажойиб: Пулатий. Бизда боғлар жуда кўп. Ҳеч қанақа муболага қилмасдан айтадиган бўлсам, мен билган барча мева турлари ёзда узини кузкуз қилиб, пишиб ётади. Қишлоқда яшаш оғир-а, дейди бир куни бизникага меҳмонга келган шаҳарлик қариндошимиз.

Қизик, нимаси оғир экан?! Мазза-ку, фақат сигир боқишни, томорқадаги бегона утлар

лар. Мен тенги қизлари бор. У ҳам ҳар гал қишлоққа келаркан, дарров шаҳарига кетаман, зерикдим, деб туриб олади. Вой, тавба-ей, Пулатийда ҳам зериккиш мумкинми деб уйлайман.

Бир куни бувижонимдан

АФСОНАГА АЙЛАНГАН ВАТАН

бир инсон киндик қони тўкилган жойини Ватан деб тан олади. У қасерда бўлмасин, Ватан уни ўзига чақираверади, чақираверади. Шунинг учун ҳам уни дарров соғиниб

экан. Бир куни у овдан қайтаётиб, қузи кучани тулдириб утаётган лулиларга тушибди. Лулиларнинг орасида бир лули қиз бор эмишки, унинг ҳусни жамолидан туйиб бул-

Бувимнинг ҳикояларидан қаттиқ таъсирландим. Хайрият-ей, узига хон, узига бек бўлиб яшаймиз. Бизни ҳеч ким, ҳеч қандай куч Ватанимиздан ажратолмайди.

Яқинда жонажон мактабимиз кучоғида мустақиллигимизнинг олти йиллигини нишонлаймиз. Мен уша санага атаб шёър ёзганман. Ҳали ҳеч кимга ўқиб берганим йўқ. Келинг, яхшиси, сиз шёъримнинг биринчи ўқувчиси була қолинг.

Меҳринг оловидан
порламоқда дил,
Ёруғ уфқларга чорламоқда
дил.
Орзу умидларга ёрламоқда
дил,

Йўлларинг жонимга
туташган Ватан.
Озод шамолларни уйғотиб
кулдинг,
Хурлик мевасидан ҳам
татиб кулдинг.
Шарқда афсонавий
тонг отиб кулдинг,
Йўлларинг жонимга
туташган Ватан.

Сен менинг онамсан,
хаёлдек тоза,
Сен ўша, қишлоғим, содда,
овоза.
Сен фақат руҳимга очган
дарвоза,
Йўлларинг жонимга
туташган Ватан.

Умида АХМЕДОВА,
Навоий вилояти,
Қизилтепа тумани,
Ибн Сино номли
мактаб ўқувчиси.



ни юлишни ҳисобга олмаганда, қишлоқдан яхши жой йўқ. Кейин яна бир нарса, қанийди қишлоғимизнинг уртасида катта музқаймоқхона бўлсаиди, зур буларди-да.

Мана шу музқаймоқни соғиниб ҳар ойда 2-3 марта лаб акам билан бирга шаҳарга тушиб чиқамиз. Мен шаҳарда нари борса уч кун тура оламан холос. Ундан уёғига қишлоғимни соғина бошлайман. Кузимга ҳалиги ҳайбатли, баланд-баланд уйлари ҳам кичкина ва тор қурина бошлайди. Назаримда дунёда Пулатийдан кенг, ёруғ, роҳатжон маскан йўқдай. Нега бундайлигини ҳеч тушуна олмайман. Ҳаттоки онажоним ҳозиргина пиширган иссиқ нонни сувга оқизиб, мазза қилиб еганларимиз у, счилиб пахта даласига кириб бораётган сигиримнинг орқасидан югурганларимни соғиниб, неча марта йиғлаб ҳам олганман.

Шунақанги зур чархпалаклар-ю, ширин музқаймоқлари бўлса ҳам мингта шаҳарга битта азиз қишлоғимни алиштирмайман.

Тоғам шаҳарда яшайди-

бунинг сабабини сураганимда, улар кулиб: «Ахир узинг ҳам уларникида турт кундан зиёд туролмай, кетамизга тушиб оласан-ку. У ҳам соғинади-да, дедилар ва мени ёнларига утқизиб, кузларини битта нуқтага тикканча синиқ овозда ҳикоя қилдилар:

Биласанми, она қизим, ҳар

Мактуб эгасини топсин

КАРАМЛИК БОЛАЛАР ЧЎМИЛМАЙДИМИ?

Сув инсон ҳаётида энг муҳим урин тутувчи омил ҳисобланади. Сув билан табиат гузал, борлиқ гузал, қолаверса инсон гузал. Биз яшаётган Карам қишлоғида болалар ёзнинг иссиқ палласида ҳам чумилиш уёқда турсин, ҳатто дурустроқ сув билан таъминлана олмайдилар. Катта бир қишлоқда биттагина жилдираб тушадиган водопровод бор холос. Қишлоқ аҳолиси мана бир неча йилдирки, шундай аҳволга кункиб яшаб келмоқда. Наҳотки, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан тулик таъминлашнинг иложи бўлмаса. Мен ҳар гал бувижонимнинг уйларига борганимда, бу аҳволдан қишлоқдаги уртоқларим, ёш боласи бор келин ойиларга, кекса бувижонларга жуда раҳмим келади. Улар кун буйи уйларига сув ташиш билан овора буладилар. Улар учун жамоа ҳужалигида авваллари ишлаб турадиган ҳаммом ҳам ҳозирги кунга келиб сув танқислигидан мана бир неча йилдирки ишламайди.

Мен хоҳлардимки, қишлоқда ҳам яхши яшаш учун шароит яратилсин. Тенгдошларим ёз гаптини суриб, иссиқ, совуқ сувларга зорланмай улғайишсин.

Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,
Фарғона вилояти, Учкўприк
тумани, Карам қишлоғи.

мас эмиш. Подшоҳ уша лули қизни севиб қолибди. Ва унга уйланаман деб туриб олибди. Не-не вазирлар, донишмандлар уни бу йулдан қайтармоқчи бўлишса ҳам у қулоқ солмабди. Шундай қилиб подшоҳ ишқи тушган лули қизга бу хабарни стқазибди.

Во, ажабо, лули қиз кунмабди, қизнинг ота-онаси анча тилло, жавоҳирлар эвазига қизларини подшоҳга зурлаб узатишибди. Подшоҳ узидан йўқ хурсанд эмиш. Дунёда энг бадавлат одам мен, энг соҳибжамолаёл менинг хотиним деб уйлар экан-да. Аммо у дунёда Ватан соғинчиданда, буюкроқ куч йўқлигини тушунмас экан. Шундай қилиб лули қизга алоҳида қасрлар қуриб беришибди. У эса ҳеч нарсага қарамас, овқатланмас, ҳеч ким билан гап-лашмас, ёлғиз узи қолган пайт эса деворларга чимилдик тикиб, ҳар биридан уз одати буйича садақа сураб чиқаркан, шу билан ором оларкан. Подшоҳ қанча ҳаракат қилиб кунглини олмасин, барибир лули қиз унга қис боқмас, мутлақо гапирмас экан.

Охир оқибат подшоҳ лули қизни азбаройи севганидан унинг захил тортиб бораётган юзларига тикилиб, раҳми келибди-да, ундан:

«Тила тилагингни», — деб сурабди.


Лули қиз шу заҳотисқ қасрдан отилиб чиқибди-да, уша мангу йўллар оқимига қушилиб кетибди. Унинг бахтиёрлигини қурган подшоҳ, пешонасига бир муштлаб, мол-мулк, мансаб, муҳаббат, Ватан олдида ҳеч нарсага арзимас эканлигини англабди.

Кўрдингми, она қизим, подшоҳ бутун дунёни забт этибди-ю, лули қизни Ватан ишқи билан тўла юрагини забт эта олмабди.

Шунинг учун ҳам инсон уз ватанига талпиниб яшайди.



СЕНИ СОФИНАМАН, ГЎЗАЛ ОРОМГОҲ



Дадам—Фуломжон Ҳакимов бизни кўргани келдилар

Менга яхши одам бўлсин деб, Алишер деган исм беришган. (Бу ойимнинг гаплари). Биладан, сиз мени танимайсиз. Ҳозир 5-синфга кўчдим. Айтишларича, уқушларим ҳам мақтагулик бўлмаса-да, аммо чакки эмас. Табиатни жуда ҳам яхши кураман. Шунинг учун булса керак, ҳар таътил пайтида албатта хушманзара лагерга чиқиб дам оламан.

Мен сизга ҳозир бу йилги таътил даврида дам олган оромгоҳим ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу оромгоҳ Бустонликда жойлашган бўлиб, Ю. Гагарин номидаги болалар соғломлаштириш масканидир.

ДАРАХТЛАРИ ҲАМ ГАПИРАДИ

Биласизми, мен бу оромгоҳга кириб келар эканман, аввалига бу жойларнинг чиройлилигини куриб, оғзим очилиб қолди. Бунақасини курмаганман-да. Синфдошларимга бориб роса мақтанадиган бўлдим.

Атрофни ураб олган ям-яшил дарахтлари бирам купки, гуё бир-бири билан шивирлаб гапирётганга ухшайди. Баланд-баланд тоғлар бағридан оқиб келадиган сувнинг мазаси

билан бирам чиқишиб кетдик-ки, асти қуяверасиз. У ерда роса куп дустлар орттирдим.

ЁДДА ҚОЛГАН КЕЧАЛАР

Оромгоҳда айниқса, кечалари ниҳоятда қувноқ давралар, ҳар хил айтишувлар бўлиб утади. Қизлар угил болаларнинг кийимларида, угил болалар қизларнинг усти бошида чиқиб турли диалоглар, узлари ёзган саҳна куринишларини намойиш этишлари шунақанги қизиқарли, шунақанги кулгилики, томоша қилиб, ҳузур қиласиз.

Ёзининг салқин кечаларида баъзан шам ёқиб, шам атрофида шеърхонлик кечалари ўтказдик. Унда шеър, ҳикоя ёзадиган ижодкор дўстларимиз уз ижодларидан намуналар айтишди. Бирам чиройли кеча бўлдики, ҳеч ҳам едимдан чиқмайди.

ГАП БИЛАН БЎЛИБ

Сизга оромгоҳда бизгача ҳам, анча йиллар олдин не-не машҳур одамларнинг болалиги утганлигини айтмабман-ку. Биласизми, айтишларича роса куп шоир, олим, арбоблар болалигида худди шу жойга келиб дам олишган экан. Мен бу гапларни севимли масканимизнинг навбатдаги ёзги таътилда очилиши муносабати билан булган маросимда эшитдим. Бу маросимда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Шогуломов шахсан қатнашиб, барчамизни дам олиш мавсуми билан табрикдилар. Улар мустақилликнинг қадрига етишимизни, келажакда муносиб инсонлар бўлиб ушимизни тиладилар. Бирлашманинг режалаштириш бўлими бошлиги Омонулла ака Юнусов эса бизнинг бахтиёрлигимизни куриб, уз болалиklarини эсладилар. «Бундан 30 йил олдин мен ҳам мана шу хушманзара жойда дам олганман. Аммо



Сизга айтаверсам, гап куп дустлар. Бу ерда менга ёққан яна бир нарса — уз пулимизга, яъни оромгоҳ уз пулига эга эканлиги. Сезяпман, яна қанақа пул деб қизиқяпсиз. Майли, ҳаммасини бошидан айта қолай. Бозор иқтисоди шароитини яхши тушунасиз. Шу муносабат билан бизга «олдиротди муносабатлари», «ким ошди савдо»ларини чуқурроқ тушунишимиз, иқтисод ҳақидаги дунёқарашимизни



кенгайтириш мақсадида оромгоҳ ясама «пули» жорий этилган. Биз ушимизга бўлиб берилган ишларни қилиб булгач, ушимизнинг тегишли ҳаққимизни олашимиз. Буш пайтларимиз пул ишлаш учун ҳар хил уйинчоқлар ясаб бир-биримизга сотамиз. Бу ҳам бизни бозор муносабатларига олиб киради. Мен тинч утирмадим: гоҳ дарахтнинг синган шохидан чиройли қилич ясадим, гоҳ бушаган қутчалардан уйинчоқлар ясадим. Қарабсизки, бирпасда бойиб олдим. Аммо сизга ёлгон, менга чин музқаймоққа роса туйдим. Укам Қобилни ҳам унутганим йўқ.

Болалар бизнинг пулга бир назар солинг-а, сизга ҳам ёқиб қолса ажаб эмас.

БУНДАЙ ЎЙЛАБ ҚАРАСАМ

Биз жуда куп вақтимизни видео, электр уйинлари ва бошқа нарсаларга сарфлаб бекор қилар эканмиз. Оромгоҳдаги «Маънавият ва маърифат бурчаги»да шунақанги қизиқарли, тарихимизга оид китобларни ўқиб, ушимни анча улгайгандек ҳис қилдим.

Спорт тугарагидаги машгулотлар менинг ушимга булган ишончимни анча оширди. Ҳозир ушимни ҳар қан-

дай кучдан ҳимоя қила оламан. Агар менинг кучли булганимга шубҳангиз булса, келинг, бирга курашамиз. Мени топиш жуда осон, оромгоҳга келиб: менга спортчи Алишер керак десангиз булди.

Биладан, узиям гапни жуда опқочаркан-да, деб уйлаяпсиз. Агар менга ишонмасангиз келгуси йил таътилда албатта бизнинг оромгоҳга келинг, узингиз ҳам ишонасиз-қуясиз.

МАЙСАЛАР ҲАМ ДЎСТ ЭКАН БИЗГА

Биз тез-тез тоғларга чиқиб турдик. Эҳей, мен ҳали билмайдиган усимликлар жуда куп экан. Энг қизиғи уларнинг ҳам уз феъли-атвори булар экан. Уларнинг жуда куплиги бизнинг соғлигимизни асрар экан, яъни инсон учун дори экан. Шунда бил-

дим, ҳатто майсалар ҳам бизга дўст экан. Бу усимликларнинг нозик гулларини ҳидлаб, мазза қиласиз. Ҳозир мендан мана бу усимликнинг номи нима — деб сурасангиз дарров жавоб бераман. Чунки мен улар билан дустлашиб, уларни ургандим.

ОРОМГОҲ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ

туриб, албатта келгуси йил ҳам худди шу жойда дам оламан деб кунгимга тугиб куйдим. Қайтар кунимиз яқинлашар экан, ортимиздан тоғлар кетманглар — деб ёлбориб эргапшандек булаяпти. Дарахтлар, майсалар шамолда тебранган қуллари билан хайр дейишяпти.

Хайр, сени яна бир йил соғинаман, оромгоҳ!

Алишер ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳридаги 114-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.



бирам ширин, ичиб туймайсиз. Оромгоҳга кира солиб, аввал у ердаги болаларни куздан кечирдим. Ҳаммаси ушимга ухшаган шух, тиниб-тинчи-маган болаларга ухшашади. Айтганимдек, сал утмай биз бир-биримиз

сиз ва менинг болалигим орасида катта фарқ бор. Сиз озодликнинг боласисиз», — дедилар Омонулла ака бизга ҳавас билан тикилиб.

ЭНГ ЗЎР БОЗОР; БИЗНИНГ БОЗОР



Кизил империя истибдоди фикримизга солган занжирлар боис бизни улуг аждодларимиз дунёсига етолмай яшадик. Яшаганда ҳам уз утмишимизга нафрат ва уялиш билан узга халқлар тарихи ва қахрамонларига ҳавас қилиб яшадик. Ваҳоланки, бизнинг минг-минг йиллик тарихимиз давомида узга халқлар ҳавас қиладиган саналар ва қахрамонлар жуда кўп эди. Истиқлол куёши туфайли бизнинг олам ҳам ёришди. Басир кузларига илк бора уринган нур оғриқ бергани каби биз ҳам бу оламга қийналиб қарадик. Энди кузларимизни очсак булади. Куз олдимизда олам жонланмоқда. Бу бизнинг олам!

Хар қандай гоё тарихий ва табиий жараён сабабидан тугилади. Унинг яратувчилари эса тарихий шахсларга айланадилар. Мусулмонлар ва қолаверса туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётдан узилиб қолганлигини, бу гоё хавфли ҳолга барҳам бериш учун маърифатга интилиш зарурлигини биринчи булиб крим-татар фарзанди Исмоил Гаспринский тушуниб етгани сизга маълум. У жадидчилик ҳаракатининг бутун турк дунёсидаги «гоёвий отаси» эканлигини ҳам яхши биласиз. Бу ҳаракатнинг иштирокчилари, қолаверса, беҳисоб қурбонлари ҳақида ҳам секин-аста хабарлар топмоқдамиз.

Туркистон махфий-сий

сий полицияси руйхатларидан алоҳида эътиборга молик шахс сифатида жой олганлардан яна бири Мунаввар Қоридир.

Улуг маърифатпарвар, миллатпарвар инсон, педагог ва адиб, 30-йиллардаги Сталин қатағони қурбони Мунаввар Қори Абдурашидовдан биттагина сурат қолган. Мунаввар Қори аввал Тошкентдаги Қукалдош мадрасида, кейин уша пайтда Урта Осиёда илм маркази булган Бухорода тах-

Тарихимизни ўрганамиз

халқ онгини устирувчи, уни маърифатга элтувчи восита деб қарайди. 1916 йилдаги халқ қузғолонини қонга ботирилиши 1917 йилги давлат тунтарилишидан Қуқон мухториятининг тугатилиши, Қуқонда оддий халқнинг қиргинбарот қилиниши Мунаввар Қорини истиқлолчи айлантди. «Хуррият берил-

БУ – БИЗНИНГ ОЛАМ

сил олган. XIX аср охирида у Исмоил Гаспринский гоёлари билан танишиб, жадидчилик ҳаракатларини бошлади. Тошкентнинг Дархон маҳалласидаги ҳовлисида янги усулдаги мактабни — ҳозирги 1-май урта мактабни ташкил этади. Унинг бу иши чор маъмуриятига ёқмайди. Унинг ортидан хуфялар қуйилади. Аммо, Мунаввар Қори уз фаолиятини давом этдиравради. 1906 йил сентябрда «Хуррият» газетасини нашр этиб, узи муҳаррирлик қилади. Лекин, Оқпошшо цензураси газетани ёпиб ташлайди. Кейинчалик у «Нажо», «Кенгаш», «Хуррият», «Осиё», «Сурат», «Ҳақиқат». «Турон» ойнамалари ва рўзномаларига муҳаррирлик қилади. Матбуотни

мас, олинур, ҳеч нарса ила олиб булмай, фақат, қон ва қурбон илагина олиб булур» деб ёзганди у ушанда узининг «Мақбул қурбонлар» мақоласида. 1929 йил 6 ноябрда Мунаввар Қори ҳибсга олинди. У қамоқхонада бирмунча вақт сақланиб, кейин Ўзбекистондан олиб кетилган.

«Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сониди шундай хабар босилиб чиқди: «1930-1940 йилларда Ваганкова қабристонига махфий дафн этилган Сталин қатағони қурбонларининг руйхатини эълон қилишда давом этамиз. Абдурашидов Мунаввар Қори 1878 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек, партиясииз, олий маълумотли, ада-



Қачал полвонни қачон ясаймиз?

биётшунос. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур қисмидаги Дархон маҳалласида 17-уйда яшаган. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган».

Юрт истиқлоли учун уз жонини фидо қилган аждод-

лар хотираси олдида ҳамisha бош эгамиз.

Дилобар ЭРГАШЕВА,
Тошкент вилояти,
Паркент ноҳияси, 34-
ўрта мактаб
ўқувчиси.

Кабутар қанотидаги мактублар

Хурматли «Тонг юлдузи», ходимлари!

Мен газетангизнинг «Қулоғинга гапим бор», «Кабутар қанотидаги мактублар», рукнлари остида бериб борилаётган мақолаларни катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Ундаги мендан кичкина, мен билан тенг тенгдошларимнинг кунгилларини тортинмай сизга очётганларини куриб, мен ҳам хат ёзиб маслаҳатларингизни олишга қарор қилдим. Булмаса, ҳаммасига кеч булиши мумкин.

Бу йил унинг синфни тугатиб, ун биринчи

кириб кетишар экан. Бир куни аям мендан хабар олиш учун шийпонга чиқибдилар. Қарасалар, Дилдора бигиллаб йиглаб ётган эмиш. Аясини шунча чақирсалар ҳам эшитмабди. Гузаларни оралаб узокқа кетиб қолган экан. Дилдорани кутариб уёққа чопибдилар, бу ёққа чопибдилар. Булмабди. Уни йигидан тиндир олмабдилар. Дилдора оч экан. Гапни шу ёрига келганда бувим оғир хурсинадилар. Кейин уни аям эмизган эмишлар, «У сени синглингдек гап» — дедилар бувим. Бу бувимнинг «бу мавзуга чек

Юлдузда қоронгулик бор

синфга утдим. Биз синфдошлар билан роса иноқмиз. Бир-биримизни хурмат қиламиз. Синфимизда Дилдора исмли қиз бор. Узи ҳам маҳалламизда яшайди. Шу қизни икки йилдан бери яхши кураман. Одам боласи галати буларкан. Дилдора ўқийдиган китобларгача, утирган партаси-ю, румолигача яхши кураман. Эшиги олдидан утиб қолсам, баъзан Олапар, деган кучуги чиқиб қолади. Кучук ҳам бир иссиқ куринадики...

Яқинда, бундан уйимиздагилар ҳам хабар топишибди. Кучадан келсам, бувим ёнларига чақирдилар. Аям бувимга «Неварангизга сиз тушунтиринг», — деган эмишлар.

Бувимнинг айтишларича, хуллас, аям билан Дилдоранинг аяси далада бирга ишлашар экан. Биз Дилдора иккимиз чақалоқ эканмиз. Улар бизларни шийпонда қолдириб пахта териш учун далага

куй» деганлари эди. Хурматли таҳририят ходимлари! Газетхонлар! Бу гапни эшитганимга икки ой булди. Икки ойдан буен узимга келолмайман. Юрагимга қоронгулик кириб урнашиб олгандай. Нима қилсам булади? Маслаҳат беринг. Ахир Дилдорасиз ҳаётни тасаввур қилолмайман-ку!

Жавлон АРСЛОНОВ,
Андижон вилояти,
Хўжаобод
тумани.



Бўш ўтирма

ЗАҲАРЛИ ЖОНИВОР

Бу ажабтовур жонивор танасининг эни 8-10 сантиметр, буйи 25 сантиметр ва ундан ҳам ортиқ, каттароқ. Усти қора холлар билан қопланган булиб ҳаддан ташқари хунук. У тез ҳаракатланади. Илк дунёга келган авлоди жуда кичкина булади. Бу жонивор уз душманларидан тери ости безларидан чиқарган заҳарли суюқликлар билан ҳимояланади. У Марказий ва Жанубий Америкада кенг тарқалган. Маҳаллий ҳиндулар уларнинг заҳаридан ёй ўқларини заҳарлашда фойдаланадилар, бу усул эса уларга овларини бароридан келишида ердам беради. Биласизми, бу гаройиб жонивор сувда ҳамда қуруқликда яшовчиларнинг қайси туркумига киради?

ЭНГ ИССИҚ ВА ЭНГ СОВУҚ

Она сайёрамиздаги энг иссиқ жойни биласизми? У қайси ҳудудда жойлашган?

Ер куррасидаги энг совуқ қайси қитъа давлат ва шаҳарларга мансублигини топингчи?

Энг кучли шамол, энг қурғоқчил ва энг серегин ер шарида руй берадиган энг кучли шамол қасрга мансуб?

Дунёда ёгингарчилик жуда кам буладиган жойни биласизми? Энг серегин ерни-чи?

ЭНГ ХУШБҮЙ

Сайёрамизда усиб ранг-баранг очиладиган шундай бир гули бор-ки, у очилганда хушбуй ҳиди бир км. масофагача таралади. Бу ажойиб гул номини биласизми?

Аввалги сондаги «Сигир дарахти»нинг жавоби: Жанубий Америка қитъаси.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Қосимжон Собиров кузларини аста очди-ю, курқиб кетди. У деярли ҳеч нарсани курмасди. Кузлари хиралашиб қолганди.

«Менга нима бўлди узи? Қасрда ётибман?» — ҳаёлидан утказди у. Ниҳоятда чанқаган эди. Беихтиёр:

— Сув, сув беринг!.. — деб юборди.

Кимнингдир ёнига келганини пайқайди.

— Тинчланинг. Гапирмасликка ҳаракат қилинг. Оғзингизни очинг.

У қийинчилик билан оғзини очди. Чунки лаблари худди бир-бирига ёпишиб қолгандек эди. Оғзига пиёла қирраси тегиши биланоқ, ютоқиб сув ичишга интилди.

— Шошилманг. Узингизни қийнаманг.

Шунчалик ҳаракат қилмасин, уч қултумгина сувни, уни ҳам жуда қийналиб ичди. Томоқ йуллари ёпилиб қолгандай эди...

Бир оздан сунг тепасига келиб гаплашаётган кишиларнинг суҳбати қулоқларига чалинди. Бир киши шундай дерди:

— Аҳволи оғир, тезликда консилиум утказиш керак. Ҳозирча мана бу хабдориларни сувда эритиб ичиринг.

Иккинчи киши:

— Хуп бўлади, — деди.

Яна биринчи кишининг овози эшитилди:

— Иссигини улчаб туриш керак. Қимирлаши, гапириши мумкин эмас. Олдига ҳеч ким қуйилмасин. Ҳар бир ҳаракатини ёзиб электрон хи-

соблаш машинасига киритинг. Машинадан чиққан натижаларни менга тезда келтириб беринг.

— Хуп.

Охирги сузларни Қосимжон Собиров зурга эшитди. Унинг қулоқлари оғирлашиб, ниҳоят ҳеч нарсани эшитмай қолди.

Унинг кузлари курмас, қулоқлари эшитмас, лекин мия-

ди. У эрта тонгда горн чалиниши биланоқ уйғониб кетарди-ю, лекин сира урнидан тургиси келмасди. Ҳали танишиб олишга улгурмаган, нотаниш тенгдошларининг ҳаммаси ювиниб сафга тизилиб булишгандагина, ижирганиб кароватидан тушар ва ювингани, қадамини секин-секин босиб булоқ бошига йул оларди. У жисмоний машқларини

нг зерикишларидан, одамовилигидан асар ҳам қолмади.

Уша куни ҳам ҳамма нарса одатдагидай давом этди. Лагердагиларнинг ҳаммаси ювиниб, жисмоний тарбия машқларини бажаришди, эрта-лабки чойни ичиб, қоринларини туйгазиб олишди.

Волейбол уйнашганида эса,

Абдужалил ЗОКИРОВ



си яхши ишларди. Шунингдек қимирламай, тинчгина ётса, ҳеч қаери оғримасди. Энг муҳими юрагидаги даҳшатли оғриқ, кучли санчиқлардан ном-нишон ҳам қолмаганди.

«Менга нима бўлди узи?» — деган бояги савол миясига қаттиқ урнашиб қолганди, лекин бу саволга узи ҳам жавоб тополмасди.

У хаёлга берилди. Бошидан утган саргузаштлар бир-бир ёдига тушди.

Биринчи кунлари Қосимжон лагерь ҳаётига, тартиб ва интизомга куниколмай ю-

хам истар-истамас бажарар, иштаҳасиз овқатланарди. Дам олиш пайтларида турли уйинлар утказилаётганида эса бир чеккага чиқиб олиб, шумшайиб утирарди.

У уйини кўрсарди, дадаси, ойисию сингисини. Ҳар куни уришиб хафа қиладиган сингиси Дилдорани соғинарди. Ити Қоплонни кургиси, бири-биридан чиройли каптарларини учиргиси келарди. Қочиб кетгиси ҳам келардию, йулнинг узоқлигидан, адашиб қолишдан чучирди.

Лекин тўртинчи куни уни-

болаларнинг олдига бош йуриқчи Содиқ ака келди. Қосимжон бир чеккада жимгина утирарди. Содиқ ака жуда қизиқчи эди. Ҳар бир булажак воқеани тантанали эълон қиларди.

Ҳозир ҳам шундай булди:

— Дикқат! Дикқат! Англик бор. Бугун тушки овқатдан сунг «Қора қоя» ён бағрига саёҳатга чиқилади. Саёҳатнинг асосий мақсади тоғдаги жониворлар ҳаётини урганишдан ва лагердаги «Тирик бурчак»ни бойитишдан иборат. Қаршилар йўқми?

Хурсанд бўлиб кетган болалар бирин-кетин жавоб қилишди:

— Йўқ, йўқ!

Ҳатто, Қосимжон ҳам тунгиллади:

— Саёҳат яхши-ку, жон деб борарман.

Узи, Қосимжон саёҳатни, жонивор-ҳашаротлар ҳаётини урганишга қизиқарди.

Содиқ ака булса унинг сузларини эшитиб, уз қулоқларига ишонмади.

Лекин Қосимжоннинг кузлари чақнаётганини куриб узи-ча пичирлади:

— Балли азамат-ей, ҳар қалай мен уйлаганчалик ялқов эмас экансан-ку. «Қора қоя» лагеридан тўрт километрча узоқда экан.

Унинг ён бағрига етиб келгунча чарчаб-терлаб кетишди. Илонизи бир тепага тик кутарилиб, бир пастга олиб тушиб кетадиган тоғ суқмоғида ҳар бир қадамни босиш куч талаб қилар, юк халталарининг боғичлари елкаларни ачиштирарди. Лекин ҳамманинг кайфияти чоғ, нолиганлар булмади.

— Мана шу ерда дам ола-миз-да, кейин ишга киришамиз, — деди Содиқ ака.

Қосимжон атрофга разм солди. «Қора қоя» шундоғ куришиб турарди. Унинг исми жисмига монанд хунукдан-хунук, яп-ялангоч, бунинг устига ранги қоп қора эди. У қанчалик салобатли булса, шунчалик курқинчи куринарди.

Ён-атрофи эса чиройли эди. Тошларни тешиб илдиз отган дарахтларнинг новдалари майин шамолда тебранарди. Япроқлари шивирларди.

Ут-улан ҳамма ёқни кўк-қилиб юборганди. Қаср-қасрларда қушлар чигирларди. Тоғ ирмоғидан шошилиб оқётган сув, купиклашиб, тошдан-тошга урилиб узоқ-узоқларга ошиқарди.


— Қалай, бу ерлар сенга ёқяптими? Гузал-а, — суради Содиқ ака атрофга суқланиб боқётган Қосимжонга.

— Ҳа, чиройли жой экан...

— Болалар зерикмадингизми?

Содиқ ака энди ҳаммага мурожаат қилди.

(Давоми бор)



Сўлим кўллар бағрида ёз гаштини сураамиз.

Р.АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳаси

ТОНГ ЮЛДУЗИ**Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА**Таҳрир ҳайъати:**

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0520.
10960 нусхадан босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир М. Хайдарова.

• Рўйхатдан утиш тартиби
№ 000137
• Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25